ИНСТИТУТ ҲАЁТИДАГИ МУҲИМ ВОҚЕА

Истиқлол шукуҳи кезаётган кунларда Фарғона политехника институтининг ташкил топганига эллик йил тўлиши муносабати билан илм даргоҳида тантанали тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда институт профессор ўқитувчилари, олим ва татқиқотчилар, республикамиз вилоятларидан келиб мазкур илм даргоҳида таҳсил олган етук мутахассислар, жамоат ташкилотлари, ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Анжуманни институт ректори Ойбек Отақулов очди ва ўқув юрти тарихи ҳақила сўз юритди. Республика Олий таълим вазирининг табрикномасини ўқиб эшиттирди.

Вилоят ҳокими ўринбосари Илҳомжон Носиров тадбир қаншчиларини Ўзбекистон Мустақиллигининг 26 йиллиги ҳамда институт ҳаётидаги муҳим воқеа билан қутлади.

Бу йил институтга 5 та факультет 27 та йўналиш бўйича 1915 нафар талаба қабул қилинди. Ўтган йилгига нисбатан талабалар сони 500 нафарга ортди. Замонавий андозалар даражасида таъмирланган ва жиҳозланган ўқув корпуслари, янги ташкил этилган лабораториялар, 1350 ўринга мўлжалланган, барча-шарт шароилар муҳайё этилган ётоқхона янги ўқув йилига шай қилиб қўйилди.

Тадбир иштирокчилари институт фойесида ташкил этилган илм даргоҳида меҳнат қилган илм-фан фидоийлари ҳақидаги кўргазмалар билан танишдилар.

2017-09-05 09:31:02